

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ (Сиртдан)  
Ўзбекистон Республикаси номидан

2022 йил август ойининг 2 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро суди ўз биносида очик суд мажлисида

Раислик қилувчи судья А.М.Ҳамидов,

судья ёрдамчиси Ш.Т.Аллашованинг котиблигида, тарафлардан даъвогар вакили Ф.Турдиев иштирокида, даъвогар «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖнинг жавобгар Сайпиев Жасур Уткир ўғлига нисбатан қарздорлик суммаларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан юритилган №2-1002-2210/12779-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖнинг жавобгар Сайпиев Жасур Уткир ўғлига нисбатан қарздорлик суммаларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Суд мажлисида даъвогар «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖнинг вакили Ф.Турдиев даъвони қувватлаб, жавобгар Сайпиев Жасур Уткир ўғли билан 06.07.2021 йилда №ҚД-000062702-сонли олди-сотди тўғрисидаги шартнома имзоланганлигини, шартнома шартларига кўра жавобгарга даъвогар томонидан 4 198 000 сўмлик маҳсулоти берилган бўлиб, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан келишувга эришилганлигини, даъвогар томонидан ўз шартномавий мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини, аммо жавобгар шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини лозим даражада бажармасдан, уларнинг бутун амал қилиш жараёнида график бўйича тўловларни амалга ошириш шартларини мунтазам равишда бузиб келганлигини, 2022 йил 1 апрель ҳолатига жавобгарнинг шартномага асосан 1 752 197,52 сўм муддати ўтган қарздорлиги вужудга келганлигини, жавобгарнинг 06.07.2021 йилда №ҚД-000062702-сонли шарномасига асосан жавобгарнинг жами 3 151 533,52 сўм қарздорлиги мавжудлигини, даъвогар томонидан юзага келган низони жавобгар билан ўзаро судгача ҳал қилиш ва бартараф этиш бўйича барча зарур чоралар кўрилганлигини, бироқ, жавобгар томонидан вужудга келган қарздорликни ихтиёрий равишда қоплаш юзасидан бирон-бир хатти-ҳаракатлар амалга оширилмасдан келганлигини баён қилиб, суддан жавобгардан жамият фойдасига 3 151 533,52 сўм асосий қарз суммаси, судга мурожаат этиш учун тўланган 270 000 сўм давлат божи ва 18.900 сўм почта харажати ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришни сўради.

Жавобгар Сайпиев Жасур Уткир ўғли суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган бўлсада, судга номаълум сабабларга кўра келмади, келмаслик сабабини билдирмади.

Даъвогар ишончли вакили ишни ФПКнинг 280-моддасига асосан жавобгар иштирокисиз, сиртдан кўриб чиқишга эътироз билдирмади.

Шунга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 280-моддаси тартибида ишни жавобгар иштирокисиз, сиртдан кўриб чиқди.

ФПКнинг 280-моддасига мувофиқ, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган, келмаганлигининг узрли сабаблари борлиги ҳақида хабар бермаган ва ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисида сўрама

ган тақдирда, агар даъвогар бунга эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тарзда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши керак.

Ишда бир нечта жавобгар иштирок этган ва суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин.

Суд даъвогар вакили кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Фуқаролик кодекси 732-моддасига биноан, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Иш материалларидан кўринишича, «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖ ва Сайпиев Жасур Уткир ўғли ўртасида 06.07.2021 йилда №ҚД-000062702-сонли шартномаси имзоланган бўлиб, унга кўра, жамият томонидан Сайпиев Жасур Уткир ўғлига муддатли тўлов асосида бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан қиймати 4 198 000 сўм бўлган маҳсулот сотилган.

Шартномага мувофиқ, қарздор ҳар ойнинг муайян бир кунидан кечиктирмай асосий қарздорликни тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартномага кўра, сотувчи «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖ ўз мажбуриятини лозим даражада бажарган ва маҳсулотларни жавобгарга топширган.

Лекин, сотиб олувчи, яъни жавобгар ўз мажбуриятини бажармаганлиги оқибатида 2021 йил 1 апрель ҳолатига 1 752 197,52 сўм муддати ўтган қарздорлик вужудга келган.

Шу сабабли, даъвогар «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖ мазкур даъво ариза билан судга мурожаат этишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасига биноан, мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни тоишириш, ишни бажариш. хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади. кредитор эса - қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

ФКнинг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа

талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

ФКнинг 735-моддасига асосан, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Фоиз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан, муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Иш ҳужжатлари билан қарз олувчи кредитни қайтариш мажбуриятини лозим даражада бажармаганлиги тасдиқланади.

Демак, даъвогарнинг кредит шартномаси бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво талаби асосли ҳисобланиб, уни қаноатлантириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 1-иловасига мувофиқ, судга мурожаат қилишда мулкий тусдаги низолар бўйича низолашаётган сумманинг 4 % миқдорида давлат божи тўланиши лозим.

Даъво қаноатлантирилганини инобатга олиб жавобгар Сайпиев Жасур Уткир ўғлидан давлат фойдасига 270 000 сўм миқдорида давлат божи ундиради.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 138-моддаси талабидан келиб чиқиб, жавобгардан даъвогар фойдасига почта ҳаражати ҳамда давлат божини ундириш ҳақидаги тўхтамга келади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 234, 236, 732, 735 моддаларини қўллаб, ФПКнинг 72, 138, 249-253, 280, 281 моддарига қўлланиб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖнинг жавобгар Сайпиев Жасур Уткир ўғлига нисбатан кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси – қаноатлантирилсин.

Жавобгар Сайпиев Жасур Уткир ўғли ҳисобидан даъвогар «VARIANT RETAIL FINANCE» МЧЖ фойдасига кредит шартномасига асосан жами 3 151 533,52 сўм қарздорлик сўммаси, судга ариза киритишда тўланган 18.900 сўм почта ҳаражати ва судга ариза киритишда тўланган 270 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Суднинг ҳал қилув қароридан норози тарафлар 15 кунлик муддат ичида қайта кўришга ариза бериши, ҳал қилув қарорига нисбатан у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоят (протест) берилиши мумкин.

Апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция инстанция судининг ажрими қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида кассация шикояти (протести) берилиш мумкин.

Иш апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин эмас.

Раислик қилувчи

А.М.Ҳамидов